

7 қисм - Шартноманинг умумий шартлари

Қишлоқ Қурилиш Инвест

10 ўй қуриш учун _____-сонли лот

_____ вилояти

_____ тумани

_____ қишлоғи/шаҳридан _____ км масофада
жойлашган

_____ массиви

Мундарижа

A. Умумий қисм	7-1
1. Таърифлар	7-3
2. Шарҳ	7-4
3. Шартноманинг тили ва қонунчилик	7-4
4. Лойиҳа раҳбарнинг қарорлари	7-4
5. Ваколатлаш	7-4
6. Маълумот айиробошлаш	7-4
7. Субпудрат	7-4
8. Бошққа пудратчилар	7-4
9. Ходим ва жихозлар	7-4
10. Иш берувчи ва Пудратчининг хавф-хатарлари	7-4
11. Иш берувчининг хавф-хатарлари	7-5
12. Пудратчининг хавф-харакатлари	7-5
13. Суғурта	7-5
14. Қурилиш майдонни текшириш бўйича ҳисоботлари	7-6
15. Пудратчи томонидан қилинадиган Ишлар	7-6
16. Белгиланган тугатиш санасигача бажарилиши керак бўлган Ишлар	7-6
17. Пудратчи томонидан таёрланган ва Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланадиган лойиҳа ҳужжатлари	7-6
18. Хавфсизлик техникаси	7-7
19. Топилдиқ	7-7
20. Қурилиш майдонга эгалик қилиш	7-7
21. Қурилиш майдонига кириш ҳуқуқи	7-7
22. Кўрсаткич, назорат ва аудитлар	7-7
23. Бетараф ҳакамни тайинлаш	7-7
24. Низоларни кўриб чиқиш тартиби	7-8
B. Муддат устидан назорат	7-8
25. Дастур	7-8
26. Белгиланган тугатиш санасини узайтириш	7-9
27. Ишларни тезлаштириш	7-9
28. Лойиҳа раҳбарининг кўрсатмалари бўйича кечикишлар	7-9
29. Раҳбариятнинг мажлислари	7-9
30. Олдиндан огоҳлантириш	7-10
C. Сифат устидан назорат	7-10

31. Камчиликларни аниқлаш	7-10
32. Синовлар	7-10
33. Камчиликларни тузатиш	7-10
34. Тузатилмаган камчиликлар	7-10
D. Харажатлар устидан назорат	7-10
35. Шартнома миқдори	7-10
36. Шартнома миқдорида ўзгаришлар	7-11
37. Ўзгаришлар	7-11
38. Пул маблағлар оқими прогнозлари	7-12
39. Тўлов сертификатлари	7-12
40. Тўловлар	7-12
41. Бадал тўлаш ҳоллари	7-13
42. Солиқлар	7-14
43. Валюталар	7-14
44. Нархни тўғирлаш	7-14
45. Ушлаб қолиш	7-15
46. Бажармаслик учун жарима	7-15
47. Мукофот	7-16
48. Аванс тўлови	7-16
49. Гаранциялар	7-16
50. Кун меъёри	7-16
51. Тузатиш харажатлари	7-16
E. Шартномани тугатиш	7-17
52. Тугатиш	7-17
53. Қабул қилиш	7-17
54. Якуний ҳисоб-китоб	7-17
55. Фойдаланиш ва техникавий хизмат кўрсатиш бўйича қўлланмалар	7-17
56. Бекор қилиш	7-17
57. Фирибгарлик ва коррупция	7-18
58. Шартном бекор қилинишдан кейин тўловлар	7-19
59. Мол-мулк	7-19
60. Шартнома бажаришдан бўшатиш	7-19
61. ОТБ займ ёки кредит беришниг тўхтатилиши	7-20
62. Конуний ҳуқуқлик	7-20

Шартноманинг умумий шартлари

А. Умумий қисм

<p>1. Таърифлар</p>	<p>1.1 Таърифланадиган атамалар қора ҳарфлар билан кўрсатилган.</p> <p>(а) Шартноманинг келишилган миқдори – Таклифни қабул қилиш ҳатида қабул қилинган ҳамда Ишларни бажариш ва яқунлаш ва барча дефектларни бартараф этиш учун белгиланган пул миқдори.</p> <p>(б) Ишлар жадвали – қатъий қийматли шартномада кўрсатилган ишлар, шу жумладан Қурилиш объектларини бунёд этиш, монтаж қилиш, синовдан ўтказиш ва фойдаланишга топширишдан иборат бўлган, ишлар жадвали. Жадвалдаги ҳар бир иш учун қатъий пул миқдори белгиланиб, у ишларни баҳолаш ҳамда Ўзгариш ва Компенсация қилиш ҳолларининг оқибатларини баҳолаш учун қўлланилади.</p> <p>(с) Бетараф ҳакам – ШУШ 23.1 моддасига мувофиқ, Иш берувчи ва Пудратчи томонидан биргаликда танланган, биринчи инстанция низоларни ҳал қиладиган шахс.</p> <p>(д) Жамлама смета – Тендер таклифининг бир қисмини ташкил этадиган, нархлар кўрсатилган ва тўлдирилган Жамлама смета.</p> <p>(е) Компенсация қилиш ҳоллари - ШУШ 41.1 моддасида кўрсатилган ҳоллар.</p> <p>(ф) Яқунлаш санаси – ШУШ 52.1 моддасига мувофиқ Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланадиган Қурилиш объектларини битказиш санаси.</p> <p>(г) Шартнома – Иш берувчи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган, Қурилиш объектларини бунёд этиш, қурилишни битказиш ва таъминлаш ҳақидаги шартнома. Ушбу шартнома ШУШ 2.3 моддасида кўрсатилган ҳужжатлардан иборат.</p> <p>(ҳ) Пудратчи – Иш берувчи томонидан қабул қилинган Қурилиш объектларини бунёд этиш учун Тендер таклифини берган юридик шахс.</p> <p>(и) Пудратчининг тендер таклифи – Пудратчи томонидан тўлдирилган ва Иш берувчига топшириладиган тендер ҳужжати.</p> <p>(й) Шартнома суммаси – Қабул қилиш хатида белгиланган ва сўнгра Шартномага асосан ўзгартирилиши мумкин бўлган Шартноманинг келишилган миқдори.</p> <p>(к) Кунлар - календар кунлари; ойлар - календар ойлари.</p> <p>(л) Кунлик ишлар – Материаллар ва Жихозларга тегишли тўловлардан ташқари, Пудратчининг ишчилари ва ускуналари буйича муайян вақт учун тўланадиган турли иш омиллари.</p> <p>(м) Дефект – Шартномага мувофиқ бажарилмаган Қурилиш</p>
----------------------------	--

	<p>объектларининг ҳар қандай қисми.</p> <p>(n) Дефектларни бартараф этиш ҳақидаги акт – Пудратчи қурилишнинг дефектларини бартараф этганидан сўнг Лойиҳа раҳбари томонидан бериладиган ҳужжат.</p> <p>(o) Кафолат муддати – Яқунлаш санасидан бошлаб ҳисобланганда Пудратчи дефектларни бартараф этиши шарт бўлган муддат.</p> <p>(p) Чизмалар – Шартномани бажариш учун Лойиҳа раҳбари томонидан тақдим этиладиган ёки тасдиқланадиган ҳисоб-китоб ва бошқа маълумотлар.</p> <p>(q) Иш берувчи – ШМШ моддаларида кўрсатилган Қурилиш объектларини бунёд этиш буюртмасини Пудратчига топширадиган томон.</p> <p>(r) Ускуналар – Қурилиш объектларини бунёд этиш учун қурилиш майдонига вақтинчалик олиб келинадиган Пудратчининг техника ва транспорт воситалари.</p> <p>(s) Форс-мажор – Шартнома томони назоратидан, Шартнома тузилишидан аввал шу томон тегишли равишда ҳисобга олишидан, рўй бергандан сўнг шу томон тегишли равишда қутулиши ёки ечишидан ҳоли бўлган ва иккинчи томон муҳим даражада сабабчи бўлмаган фавқулодда ҳодиса ёки ҳолат;</p> <p>(t) Шартноманинг бошланғич нархи – Иш берувчининг Таклифни қабул қилиш хатида кўрсатилган Шартнома нархи.</p> <p>(u) Белгиланган яқунлаш санаси – Пудратчи Қурилиш объектларини битказиши белгиланган сана. Белгиланган яқунлаш санаси ШМШ моддаларида кўрсатилади. Белгиланган яқунлаш санасини фақат Лойиҳа раҳбари муддатни узайтириш ёки тезлаштириш ҳақидаги буйруқ чиқариш орқали қайта кўриб чиқиши мумкин.</p> <p>(v) Таклифни қабул қилиш хати - Иш берувчи Тендер таклифини расмий қабул қилиши ва қабул қилиш кунида Шартнома шаклланишини билдиради.</p> <p>(w) Материаллар – Пудратчи Қурилиш объектларини бунёд этиши учун ишлатиладиган барча ресурслар, шу жумладан сарфланадиган материаллар.</p> <p>(x) «Шартнома томони» - контекста буйича Иш берувчи ёки Пудратчи.</p> <p>(y) ШМШ - Шартноманинг махсус шартлари.</p> <p>(z) Жиҳозлар – механик, электрик, кимёвий ёки биологик функцияга эга бўлган Қурилиш объектларининг ажралмас қисми.</p> <p>(aa) Лойиҳа раҳбари – Қурилиш объектларининг бунёд этилиши устидан назорат ва Шартномани бошқариш учун ШМШ моддаларида белгиланган (ёки Иш берувчи томонидан тайинланган ва Пудратчига бириктирилган бошқа) жавобгар шахс.</p>
--	--

	<p>(bb) Ушлаб қолинадиган сумма миқдори – ШУШ 45.1 моддасига асосан барча ушлаб қолинадиган жами маблағлар.</p> <p>(cc) Қурилиш майдони – ШМШ моддаларида шундай деб белгиланган майдон.</p> <p>(dd) Қурилиш майдонини текшириш бўйича ҳисоботлар – тендер хужжатлари таркибига киритилган, фактларга асосланган ва шарҳловчи мазмунли, Қурилиш майдонининг ер усти ва ости шароитлари ҳақида маълумотларга эга бўлган ҳисоботлар.</p> <p>(ee) Тафсилот – Шартномага киритилган Қурилиш объектларининг тафсилоти ва Лойиҳа раҳбари томонидан киритилган ёки тасдиқланган ҳар қандай ўзгариш ёки қўшимчалар.</p> <p>(ff) Ишлар бошланиш санаси – ШМШ моддаларида кўрсатилади. Бу Пудратчи Қурилиш объектларини бунёд қилиш устида иш бошлаши мумкин бўлган сўнгги санани билдиради. Ушбу сана Қурилиш майдонга эга бўлиш саналари билан бир хил бўлиши шарт эмас.</p> <p>(gg) Субпудратчи – Шартномада кўрсатилган Қурилиш майдонда амалга ошириладиган ишларнинг бир қисмини бажарадиган ҳамда Пудратчи билан битим имзолаган жисмоний ёки юридик шахс.</p> <p>(hh) Вақтинчалик иншоотлар – Қурилиш объектларини бунёд этиш ёки монтаж ишларини олиб бориш учун керак бўлган ва Пудратчи томонидан лойиҳалаштирилиб, қурилиб, монтаж қилиниб ва олиб ташланадиган иншоотлар.</p> <p>(ii) Ўзгариш – Лойиҳа раҳбари томонидан Қурилиш объектларини ўзгартириш бўйича кўрсатма.</p> <p>(jj) Қурилиш объектлари – ШМШ моддаларида белгиланган, бунёд этиш, монтаж қилиш ва Иш берувчига топширишни Шартномага асосан талаб қилинадиган объект.</p>
<p>2. Шарҳ</p>	<p>2.1 Ушбу ШУШ моддаларини шарҳлашда, бирлик кўпликни, аёл эркак ва бошқани билдиради ва аксинча. Сарлавҳалар ҳеч қандай ахамиятга эга эмас. Сўзлар Шартнома тили доирасида одатий маънога эга, агар аниқ таърифланмаган бўлса. Лойиҳа раҳбари ушбу ШУШ моддалари бўйича сўровномаларга аниқлик киритади.</p> <p>2.2 Агар ШМШ моддаларида қисман бажариш кўзда тутилган бўлса, ШУШ моддаларида кўрсатилган Қурилиш объектлари, Яқунлаш санаси ва Белгиланган яқунлаш санасига тегишли талаблар Қурилиш объектларининг ҳар бир қисмига (умумий Қурилиш объектлари учун Яқунлаш санаси ва Белгиланган яқунлаш санаси бундан мустасно) қўлланилади.</p> <p>2.3 Шартномани ташкил этувчи ҳужжатлар қўйидаги устунликда шарҳланади:</p> <p>(a) Шартнома,</p>

	<p>(b) Таклифни қабул қилиш хати,</p> <p>(c) Пудратчининг тендер таклифи (хусусан Техник ва Нарх таклифи хатлари),</p> <p>(d) Шартноманинг махсус шартлари,</p> <p>(e) Шартноманинг умумий шартлари,</p> <p>(f) Тафсилотлар,</p> <p>(g) Чизмалар,</p> <p>(h) Тўлдирилган графиклар (шу жумладан Жамлама смета (ёки Қатъий қийматли шартнома Нархлар жадваллари)), ва</p> <p>(i) Шартноманинг қисмини ташкил этувчи ШМШ моддаларида кўрсатилган ҳар қандай бошқа ҳужжатлар.</p>
3. Шартнома тили ва қонунчилик	3.1 Шартнома тили ва Шартномани тартибга соладиган қонунчилик ШМШ моддаларида белгиланган.
4. Лойиҳа раҳбарининг қарорлари	4.1 Агар бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, Иш берувчи ва Пудратчи ўртасида низоларни Лойиҳа раҳбари, Иш берувчининг вакили сифатида, ҳал қилади.
5. Ваколатлаш	5.1 Лойиҳа раҳбари, Пудратчига хабар берган ҳолда, ўзининг ҳар қандай бурч ва мажбуриятларни Бетараф ҳакамдан ташқари бошқа шахсларга топшириши мумкин ва, Пудратчига хабар берган ҳолда, ҳар қандай берилган ваколатни бекор қилиши мумкин.
6. Маълумот айирбошлаш	6.1 Шартноманинг шартларида кўзда тутилган Томонлар ўртасида маълумот айирбошлаш фақат ёзма равишда оширилса кучга киради. Билдириш фақат етказиб берилгандан кейин кучга киради.
7. Субпудрат	7.1 Лойиҳа раҳбари тасдиғи билан, Пудратчи субпудрат битимини тузиши мумкин, аммо Иш берувчининг ёзма тасдиғисиз Шартномавий ҳуқуқларини топшира олмайди. Субпудратчилик Пудратчининг мажбуриятларни ўзгартирмайди.
8. Бошқа пудратчилар	8.1 « Шартноманинг махсус шартларига » мувофиқ, Бошқа пудратчилар жадвалида кўрсатилган муддатларда, Пудратчи бошқа пудратчилар, давлат органлари ва коммунал хизматлари билан ҳамкорликда ишлаши ва улар билан Қурилиш майдондан бирга фойдаланиши лозим. Жадвалда кўрсатилган тартибда, Пудратчи уларга шароит яратиб бериши ва хизматлар кўрсатиши лозим. Иш берувчи Бошқа пудратчилар жадвалини ўзгартириши мумкин, ва Пудратчига бундай барча ўзгаришлар ҳақида хабар бериши лозим.
9. Ходимлар ва жихозлар	9.1 Қурилиш объектларни бунёд этиш учун, Пудратчи ўз Тендер таклифида кўрсатилган асосий ходимларни ишга олиши ва жихозлардан фойдаланиши, ёки Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда бошқа ходим ва жихозларни жалб этиши

	<p>лозим. Уларнинг малакаси ёки хусусиятлари Тендер таклифида кўрсатилганларга жиддий равишда тенг ёки улардан яхшироқ бўлсагина Лойиҳа раҳбари асосий ходим ва жихозларнинг таркибида таклиф этилаётган ўзгаришларни тасдиқлаши керак.</p> <p>9.2 Агар Лойиҳа раҳбари Пудратчидан, сабабларни тушунтирган ҳолда, Пудратчи ходимини ёки ишчи бўлган шахсни ишдан озод этишни сўраса, Пудратчи ушбу шахснинг Қурилиш майдонидан етти кун ичида чиқиб кетишини ва Шартномадаги ишларга бундан кейин умуман алоқаси бўлмаслигини таъминлайди.</p>
10. Иш берувчи ва Пудратчининг хавф-хатарлари	<p>10.1 Шартномага биноан Иш берувчининг хавф-хатарлари деб кўрсатилган хавф-хатарларга Иш берувчи ва Шартномага биноан Пудратчининг хавф-хатарлари деб кўрсатилган хавф-хатарларга Пудратчи жавобгардирлар.</p>
11. Иш берувчи қалтисликлари	<p>11.1 Ишлар бошланиш санасидан Дефектларни бартараф этиш ҳақидаги акт берилишига қадар, Иш берувчининг қалтисликлари қўйидагилардан иборат:</p> <p>(а) шикаст, ўлим ёки мол-мулкнинг йўқолиши ёки унга етказилган зарар билан боғлиқ қалтисликлар (Қурилиш объектлари, Жиҳозлар, Материаллар ва Ускуналардан ташқари), агар уларнинг сабаблари қўйидагилар бўлса:</p> <p>(i) Қурилиш объектлари томонидан ёки уларнинг мукаррар натижаси бўлган Қурилиш объектларини бунёд этиш мақсадида Қурилиш майдонини эгаллаб туриш ёки ундан фойдаланиш, ёки</p> <p>(ii) Иш берувчи ёки унинг ишчиси ёки пудратчиси (Пудратчидан ташқари) томонидан кўрсатилган маъсулиятсизлик, қонуний мажбуритяларни бузиш ёки ҳар қандай қонуний ҳуқуқларига аралаштириш.</p> <p>(b) Қурилиш объектлари, Жиҳозлар, Материаллар ва Ускуналарга зарар кўрсатиш хавф-хатари, агарки у Иш берувчи ёки унинг лойиҳалаштириш хатоларидан келиб чиққан бўлса ёки Қурилиш объектларини бунёд этилиши мўлжалланган давлатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи уруш ёки радиоактив ифлосланиш содир этса.</p> <p>11.2 Яқунлаш санасидан санасидан Дефектларни бартараф этиш ҳақидаги акти берилишига қадар Қурилиш объектлари, Жиҳозлар, ва Материалларнинг йўқолиши ёки зарарланиши хавф-харакати Иш берувчининг хавф-харакати деб ҳисобланади, агарки уларнинг сабаблари қўйидагилар бўлса:</p> <p>(a) Яқунлаш санасида мавжуд бўлган камчилик,</p> <p>(b) Яқунлаш санасидан олдин рўй берган ҳодиса, агарки у ўзидан-ўзи Иш берувчининг хавф-харакати бўлмаса, ёки</p> <p>(c) Қурилиш майдонида Яқунлаш санасидан кейин Пудратчи томонидан амалга оширилган тадбирлар.</p>
12. Пудратчи	<p>12.1 Тугатиш санасидан бошлаб Дефектларни бартараф</p>

қалтисликлари	этиш ҳақидаги акт берилишига қадар, Иш берувчининг қалтисликлари бўлмаган шикаст, мол-мулкнинг (шу жумладан, чекланмаган холда, Қурилиш объектлари, Жиҳозлари, Материаллари ва Ускуналарининг) йўқолиши ёки унга етказилган зарар билан боғлиқ қалтисликлар Пудратчининг қалтисликлари деб ҳисобланади.
13. Суғурта	<p>13.1 Пудратчи Иш берувчи ва Пудратчининг қўшма номидан Пудратчининг қалтислик сабабларига кўра юзага келган қуйидаги ҳодисаларга қарши Ишлар бошланиш санасидан бошлаб Кафолат муддати тугашигача бўлган давр мобайнида ШМШ моддаларида белгиланган франшиза миқдорида суғурта қопламасини таъминлаши керак :</p> <p>(а) Қурилиш объектлари, Жиҳозлар ва Материалларниг йўқолиши ёки уларга зарар етказилиши;</p> <p>(б) Ускуналар йўқолиши ёки уларга зарар етказилиши;</p> <p>(с) Шартномага алоқаси бўлган мол-мулкнинг йўқолиши ёки унга зарар етказилиши (Қурилиш объектлар, Жиҳозлар, Материаллар ва Ускуналардан ташқари);</p> <p>(д) шикаст ёки ўлим.</p> <p>13.2 Суғурта полиси ва сертификатларни Пудратчи Лойиҳа раҳбарига тасдиқлаш учун Ишлар бошланиш санасидан олдин етказиб беради. Бундай суғурта йўқолган ёки зарар етказилган мулкни қайта тиклашни қоплай оладиган ШМШ моддаларида белгиланган валюта турида ва пропорцияларда етарли компенсацияни таъминлаши керак.</p> <p>13.3 Пудратчи керакли суғурта полиси ва сертификатларни таъминламаган холда, Иш берувчи Пудратчи томонидан таъминланиши керак бўлган суғуртани амалга ошириши мумкин ва тўланган суғурта бадалларини Пудратчига тўланиши керак бўлган маблағдан ушлаб қолинади ёки, аган Пудратчига тўланиши керак бўлган маблағлар бўлмаса, суғурта қиймати унинг қарзи бўлиб қолади.</p> <p>13.4 Суғурта шартларига ўзгаришларни Лойиҳа раҳбарнинг тасдиғисиз киритиб бўлмайди.</p> <p>13.5 Иккала томон суғурта полисларнинг барча шартларига риоя қилиш керак.</p>
14. Қурилиш майдонини текшириш бўйича ҳисоботлар	14.1 Тендер таклифини тайёрлаш жараёнида Пудратчи, ШМШ моддаларида кўрсатилган хар қандай Қурилиш майдонини текшириш бўйича ҳисоботларга ҳамда Тендер қатнашувчиларига маълум бўлган хар қандай қўшимча ахборотга асосланиши лозим.
15. Қурилиш объектларни бунёд этувчи Пудратчи	15.1 Пудратчи Қурилиш объектларни бунёд этиш ва монтаж ишларини Тафсилот ва Чизмалар асосида бажариши керак.
16. Белгиланган	16.1 Пудратчи Қурилиш объектлари бўйича бунёдкорлик

яқунлаш санасигача бунёд этилиши керак бўлган Қурилиш объектлари	ишларни Ишлар бошланиш санасидан бошлаб, Пудратчи томонидан тақдим этилган ва Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланган Ишлар жадвали асосида, амалга ошириши мумкин ва Белгиланган яқунлаш санасигача Қурилиш объектларни битказиши лозим.
17. Пудратчи томонидан тайёрланган ва Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланадиган Лойиҳалар	<p>17.1 Пудратчи ШМШ моддаларига белшилган даражасида лойиҳаларни таёрлаши лозим. Пудратчи ўзи тайёрлаган барча лойиҳаларни ўз вақтида Иш берувчига топшириши лозим. Иш берувчи 14 кун ичида ўз фикр-мулоҳазаларни Пудратчига билдириши лозим. Пудратчи, Иш берувчига топширилгандан сўнг 14 кун ичида ёки Лойиҳа раҳбари томонидан рад этилган ҳолда, ўзи лойиҳалаштирилган Қурилиш объектларининг ҳеч бир доимий элементини қуриши мумкин эмас. Рад этилган лойиҳа тезда янгидан қайта ишланиб топширилиши лозим. Пудратчи, заруриятга қараб, шарҳланган лойиҳалар буйича билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда уларни қайта топшириши лозим.</p> <p>17.2 Вақтинчалик иншоотларни лойиҳалаштириш Пудратчининг зиммасига юклантиради.</p> <p>17.3 Таклиф қилинаётган Вақтинчалик иншоотлар Тафсилоти ва Чизмалари Пудратчи томонидан Лойиҳа раҳбарига топширилади ва, улар Тафсилот ва Чизмаларга мувофиқ бўлган ҳолда, Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланади.</p> <p>17.4 Лойиҳа раҳбарининг тасдиғи Пудратчини Вақтинчалик иншоотларни лойиҳалаштириш билан боғлиқ маъсулиятдан озод қилмайди.</p> <p>17.5 Керак бўлса, Пудратчи Вақтинчалик иншоотларни лойиҳалаштиришга тегишли учинчи томонлар тасдиғини олиши керак.</p> <p>17.6 Пудратчи томонидан вақтинчалик ёки доимий Қурилиш объектларини бунёд этиш учун таёрланган барча Чизмалар, ишлатилишдан олдин, Лойиҳа раҳбари томонидан дастлаб тасдиқланиши лозим.</p>
18. Хавфсизлик техникаси	18.1 Қурилиш майдонидаги барча тадбирлар ва ШМШда белгиланган барча бошқа талаблар учун жавобгарлик Пудратчининг зиммасига юклантирилади.
19. Топилмалар	19.1 Қурилиш майдонида қутилмаган ҳолда топилган тарихий ёки бошқа аҳамиятга ёки муҳим бойликка эга бўлган барча нарсалар Иш берувчининг, ёки ШМШ моддаларида белгиланган талабларга мувофиқ, мулки деб ҳисобланади. Пудратчи Лойиҳа раҳбарини бундай топилдиқлар ҳақида хабардор қилиши ва уларни ишлатишда Лойиҳа раҳбарининг йўриқномасига амал қилиши лозим.
20. Қурилиш майдонга эгалик қилиш	20.1 Иш берувчи Қурилиш майдонининг барча қисмлари буйича эгаликни Пудратчига топширади. Агар қайсидир бир қисм учун эгалик ШМШ моддаларида кўрсатилган муддатгача

	<p>топширилмаса, Иш берувчи тегишли ишлар бошланишини кечиктирилган ва бу ҳодиса Компенсация тўлаш ҳоли деб ҳисобланади.</p>
<p>21. Қурилиш майдониға кириш имконияти</p>	<p>21.1 Пудратчи Лойиҳа раҳбари ва у томондан тасдиқланган барча шахслар учун Қурилиш майдониға ва Шартномаға асосан қурилиш ишлари бажарилаётган ёки бажарилиш режалаштирилган бўлган барча жойларига кириш имкониятини бериши лозим.</p>
<p>22. Йўриқномалар, текширувлар ва аудитлар</p>	<p>22.1 Пудратчи Қурилиш майдони жойлашган худудининг барча қонунларига риоя қиладиган Лойиҳа раҳбари берган барча йўриқномаларни бажариши лозим.</p> <p>22.2 Пудратчи ОТБға ўз ҳисоб-варақаси, ёзув ва бошқа, тендер таклифни топшириш ва шартнома бажаришга оид бўлган ҳужжатларни назорат қилиши учун ва уларни ОТБ томонидан тайинланган аудиторларнинг аудит текширувлари учун рухсат бериши керак. Шартномаға тегишли бўлган барча ҳужжат ва ёзувлар, Ишларни тугатгандан сўнг 3 (уч) йил давомида Пудратчи томонидана сақланилади. Пудратчи фирибгарлик, тил бириктириш, зўрлаш ёки коррупцияда айблаш бўйча текширишлар учун керак бўлган ҳужжатларни таъминлаш ва Шартноманинг маъносини билладиган ходим ёки агентлардан ОТБ томонидан берилган саволларга жавоб беришни талаб қилиш керак.</p>
<p>23. Бетараф ҳакамни тайинлаш</p>	<p>23.1 Бетараф ҳакам Иш берувчи ва Пудратчи томонидан биргалиқда, Иш берувчи Қабул қилиш тўғрисидаги хатни таёрлаган пайтда, тайинланади. Агар Қабул қилиш тўғрисидаги хатда Иш берувчи Бетараф ҳакам тайинлашга қарши чиқса, Иш берувчи ШМШ моддаларида кўрсатилган Белгилаш органиға сўровнома билан мурожаат қилиб, сўровнома олингандан сўнг 14 кун ичида Бетараф ҳакам тайинлашни илтимос қилади.</p> <p>23.2 Бетараф ҳакам ишдан бўшаган ёки ўлган ҳолда ёки Иш берувчи ва Пудратчининг биргалиқда фикрга биноан Бетараф ҳакам ўз вазифаларни Шартнома қоидаларга асосан бажармайдиган ҳолда, Иш берувчи ва Пудратчи томонидан янги Бетараф ҳакам биргалиқда тайинланади. Иш берувчи ва Пудратчи келишувга кела олмаган ҳолда, 30 кун ичида, томонлар биттасининг сўровнамасига биноан Белгилаш органи, сўровнома олингандан сўнг 14 кун ичида, Бетараф ҳакамни тайинлайди.</p>
<p>24. Низоларни кўриб чиқиш тартиби</p>	<p>24.1 Агар Пудратчининг фикри бўйича Лойиҳа раҳбарининг қарори унинг Шартномавий ваколатлардан ошган ёки нотўғри қабул қилинган бўлса, ушбу қарор, Лойиҳа раҳбари билдиришни чиқаргандан сўнг 14 кун ичида, Бетараф ҳакамға йўлланиши керак.</p> <p>24.2 Низо ҳақида билдиришни олгандан сўнг, Бетараф ҳакам 28 кун ичида қарор чиқариши лозим.</p> <p>24.3 Бетараф ҳакамнинг хизматлари соатбай асосида,</p>

	<p>ШМШ моддаларида белгиланган ставкага биноан тўланади, шу жумладан ушбу ШМШ моддаларида кўрсатилган ўрнини тўлдирадиган харажатлар билан биргаликда; чиқимлар бўлса, Бетараф ҳакам қандай қарорга келишдан қатъий назар, Иш берувчи ва Пудратчи ўртасида тенг равишда бўлинади. Томонларнинг ҳар биттаси Бетараф ҳакамнинг қарорини, ёзма қарор чиққанданг сўнг 28 кун ўтгач, арибтраж ҳакамига йўллаши мумкин. Юқорида кўрсатилган 28 кун давомида ҳеч қайси томон низони арбитражга юбормаса, Бетараф ҳакамнинг қарори қатъий ва мажбурий деб ҳисобланади.</p> <p>24.4 Арбитраж ШМШ моддаларида белгиланган муассаса эълон қилган тартибга биноан ва ШМШ моддаларида кўрсатилган жойда ўтказилади.</p>
<p>В. Муддат устидан назорат</p>	
<p>25. Дастур</p>	<p>25.1 ШМШ моддаларида кўрсатилган вақт давомида ва Қабул қилиш тўғрисида хатнинг санасидан сўнг, Пудратчи Лойиҳа раҳбарига тасдиқлаш учун Ишларнинг умумий усуллар, тадбирлар, тартиб ва муддатни кўрсатадиган Дастурни тақдим этади. Қатъий миқдорли шартнома ҳолида, Дастур тартиблари Тартиблар жадвалидаги кўрсатилганларга мувофиқ бўлиши керак.</p> <p>25.2 Дастурга янгилик киритиш дастур сифатида таёрланади ва ҳар бир тадбир бўйича натижалар и эришилган натижаларнинг қолган ишлар муддатига таъсирини кўрсатади, шу жумладан тадбирлар тартибида ўзгаришларни ҳам.</p> <p>25.3 Пудратчи янгиланган Дастурни Лойиҳа раҳбарига «Шартноманинг махсус шартларида» белгиланган вақт оралигидан ошмаган ҳолда топширади. Агар Пудратчи янгиланган Дастурни ушбу муддат мобайнида топширмаса, Лойиҳа раҳбари ушбу «Шартномада» кўрсатилган пул миқдорни кейинги тўлов сертификатида ушлаб қолиб, бундай ушлаб қолишни кечиктирилган Дастур топширилган санасидан сўнг келадиган кейинги тўловгача давом эттириши мумкин. Қатъий миқдорли шартнома ҳолида Пудратчи, Лойиҳа раҳбаридан кўрсатма олгандан сўнг 14 кун ичида, янгиланган Тадбирлар жадвалини тақдим этиши керак.</p> <p>25.4 Лойиҳа раҳбари томонидан Дастурни тасдиқлаш Пудратчининг мажбуриятларни ўзгартрмайди. Пудратчи Дастурни қайти кўриб чиқиб, уни Лойиҳа раҳбарига яна бир бор ҳар қандай вақтда топшириши мумкин. Қайта кўриб чиқилган Дастур Ўзгариш ва Бадал тўлаш ҳолларининг натижаларни акс эттириши керак.</p>

<p>26. Белгиланган тугатиш санасини узайтириш</p>	<p>26.1 Агар Бадал тўлаш ҳоли содир этса ёки Ўзгариш эълон қилинса ҳамда ушбу Ўзгариш ишларнинг Белгиланган тугатиш санасигача бажарилишига Пудратчи томонидан қолган ишларни тезлаштириш тадбирларсиз йўл қўймаса ва бу ўз навбатда Пудратчидан қўшимча ҳаражатларни талаб қилса, Лойиҳа раҳбари Белгиланган тугатиш санасини узайтиради.</p> <p>26.2 Пудратчи Лойиҳа раҳбарига Бадал тўлаш ҳоли ёки Ўзгаришнинг таъсири бўйича қарор чиқариш сўровномаси билан мурожаат қилгандан ва тўлиқ исботлайдиган ҳужжатларни топширгандан сўнг 21 кун давомида Лойиҳа раҳбари Белгиланган тугатиш санасини узайтириш ва узайтириш муддати ҳақида қарорини қабул қилади. Агар Пудратчи кечикиш ҳақида олдиндан хабар бера олмаса ёки кечикишни ҳал қилишда ҳамкорлик қила олмаса, бундай муваффақиятсизликка оид бўлган кечикиш янги Белгиланган тугатиш санасини белгилашда инобатга олинмайди.</p>
<p>27. Ишларни тезлаштириш</p>	<p>27.1 Иш берувчи Пудратчи ўз ишини Белгиланган яқунлаш санасидан олдин бажарилишини хоҳласа, Лойиҳа раҳбари Пудратчидан керак бўлган тезлаштиришга эришиш учун нарх таклифларни олиши керак. Агар Иш берувчи бу таклифларни қабул қилса, Белгиланган тугатиш санаси тегишли равишда тузатилади ҳамда Иш берувчи ва Пудратчи томонидан тасдиқланади.</p> <p>27.2 Пудратчининг тезлаштириш бўйича нарх таклифлари Иш берувчи томонидан қабул қилинса, улар Шартнома миқдорига киритилади ва Ўзгариш сифатида қабул қилинади.</p>
<p>28. Лойиҳа раҳбарининг кўрсатмалари бўйича кечикишлар</p>	<p>28.1 Лойиҳа раҳбари Ишлар таркибига кирадиган ҳар қандай тадбирнинг бошланиш ёки бажарилишини кечикиш ҳақида Пудратчига кўрсатма бериши мумкин.</p>
<p>29. Раҳбарият мажлислари</p>	<p>29.1 Лойиҳа раҳбари ёки Пудратчи бир бирини раҳбарият мажлисларида қатнашишни талаб қилиши мумкин. Мажлиснинг мақсади қолган ишлар бўйича режаларни кўриб чиқиш ва олдиндан огоҳлантириш тартиби билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдан иборатдир.</p> <p>29.2 Лойиҳа раҳбари мажлисларнинг протоколини тузиш ва протокол нусхаларни мажлис қатнашчилар ва Иш берувчига етказиб бериши керак. Амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар бўйича томонларнинг жавобгарлиги Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланади, гоҳ мажлис давомида, гоҳ мажлисдан сўнг, ва ёзма равишда барча мажлис қатнашчилари учун белгиланиши керак.</p>
<p>30. Олдиндан огоҳлантириш</p>	<p>30.1 Пудратчи биринчи навбатда Лойиҳа раҳбарини ишлар сифатига салбий таъсир этувчи, Шартнома нархининг ошишига олиб келувчи ёки Қурилиш объектлари битказилишининг кечикишига сабаби бўлиши мумкин эхтимоли баланд ҳодисалар ёки шароитлар ҳақида биринчи имконият пайдо бўлгач</p>

	<p>огоҳлантириши шарт, Лойиҳа раҳбари Пудратчидан келажак ҳодиса ёки шароитлардан Шартнома миқдори ва Тугатиш санасига кутиладиган таъсирини кўрсатадиган ҳисоб-китоблар тайёрлашни талаб қилиши мумкин. Ҳисоб-китоблар Пудратчи томонидан зудлик билан етказиб берилиши шарт.</p> <p>30.2 Ишда қатнашувчиларнинг томонидан бундай ҳодиса ёки шароитлар таъсирига йўл қўймаслик ёки уни камайтириш имкониятлар бўйича таклифларни ишлаб ва кўриб чиқишда ва Лойиҳа раҳбарининг тегишли кўрсатмаларни бажаришда Пудратчи Лойиҳа раҳбари билан ҳамкорлик қилиши керак.</p>
С. Сифат устидан назорат	
31. Камчиликларни аниқлаш	<p>31.1 Лойиҳа раҳбари Пудратчининг ишини текширади ва Пудратчини ҳар қандай топилган камчиликлар ҳақида хабардор қилади. Бундай текширувларнинг Пудратчининг мажбуриятларига таъсири бўлмайди. Лойиҳа раҳбари Пудратчига Камчиликларни аниқлаб бериш ва унинг фикри бўйича Камчиликка эга бўлган ҳар қандай ишни аниқлаш ва синов ўтказиш тўғрисида кўрсатма бериши мумкин.</p> <p>31.2 Пудратчи, ШМШ талабларига биноан, барча дала фаолиятларининг ҳисоботини олиб боради.</p>
32. Синовлар	<p>32.2 Агар Лойиҳа раҳбари қандайдир ишда Камчилик борлигини аниқлаш мақсадида Пудратчига Тафсилотда кўрсатилмаган синов ўтказиш ҳақида кўрсатма берса ва синов Камчилик борлигини кўрсатса, синов ўтказиш ва намуна олиш Пудратчи томонидан тўланади. Камчилик аниқланмаса, синов Компенсация қилиш ҳоли деб ҳисобланади.</p>
33. Камчиликларни тузатиш	<p>33.1 Лойиҳа раҳбари Пудратчига ҳар қандай Камчиликлар ҳақида, Тугатиш санасида бошланадиган ва ШМШ моддаларида белгиланган Кафолат муддати тугамасдан хабар бериши лозим. Кафолат муддати Камчиликлар тузатилиши учун зарур бўлган муддатга узайтирилади.</p> <p>33.2 Камчилик билдириши келиши билан, Пудратчи ҳамиша тегишли Камчиликни Лойиҳа раҳбарининг хабарномасида кўрсатилган вақт давомида тузатиши керак.</p>
34. Тузатилмаган камчиликлар	<p>34.1 Лойиҳа раҳбари билдиришида кўрсатилган вақт давомида Камчилик Пудратчи томонидан тузатилмаган бўлса, Лойиҳа раҳбари Камчиликни бартараф қилиш учун харажатларни ҳисоблаб, Пудратчи бу миқдорни тўлаши лозим.</p>
Д. Харажатлар устидан назорат	
35. Шартнома нархи	<p>35.1 Ягона нарх шартномаси қўлланилса, Жамлама сметаида Пудратчи томонидан амалга ошириладиган Ишлар бўйича баҳоланган моддалар бўлиши шарт. Жамлама сметаи Шартнома миқдорини ҳисоблаш учун ишлатилади. Пудратчининг пули бажарилган ишлар ҳажмига қараб ва Жамлама сметаида ҳар</p>

	<p>бир модда учун белгиланган ставкага мувофиқ тўланади.</p> <p>35.2 Қатъий миқдорли шартнома қўлланилса, Тадбирлар жадвалида Пудратчи томонидан амалга ошириладиган баҳоланган тадбирлар бўлиши шарт. Тадбирлар жадвали Пудратчига тўловлар учун асос бўлган тадбирлар бажарилишини мониторинг ва назорати учун ишлатилади. Қурилиш майдонидаги Материаллар учун тўлов алоҳида амалга ошириладиган бўлса, Пудратчи Тадбирлар жадвалида Қурилиш майдонига Материаллар етказиб берилишини алоҳида акс эттириши керак.</p>
<p>36. Шартнома миқдоридан ўзгаришлар</p>	<p>36.1 Ишларнинг якуний ҳажми Жамлама сметада кўрсатилган ҳажмдан алоҳида модда учун 25 фоиздан ортиқ фарқ қилса, ва ўзгариш Шартноманинг бошланғич миқдоридан 1 фоиздан ошган ҳолда, Лойиҳа раҳбари ўзгаришни қамраб олиш учун ставкани тўғирлаши шарт.</p> <p>36.2 Агар ҳажмлар ўзгариш натижасида пайдо бўладиган ставка тўғирланишлари Шартноманинг бошланғич миқдори 15 фоиздан кўпроққа олиб келадиган бўлса, Иш берувчи олдиндан тасдиқлаган ҳоллардан ташқари, Лойиҳа раҳбари бундай тўғирлашга йўл қўймаслиги керак.</p> <p>36.3 Лойиҳа раҳбари сўровнамасига биноан, Пудратчи Лойиҳа раҳбарига Жамлама сметадаги ҳар қандай ставканинг батафсил баҳо тузилишини кўрсатиб бериш керак.</p> <p>36.4 Қатъий миқдорли шартнома ҳолларида, Дастурдаги ёки Пудратчининг ихтиёри асосида иш услубидаги ўзгаришларни қамраб олиши учун Тартиблар жадвалига ўзгаришлар киритилиши керак. Агар бундай ўзгаришлар Тадбирлар жадвалига киритилса, Тадбирлар жадвалдаги нархлар ўзгармаслиги керак.</p>
<p>37 Ўзгаришлар</p>	<p>37.1 Барча ўзгаришлар янгиланган Дастурга ва, Қатъий миқдорли шартнома ҳолларида, Пудратчи томонда таёрланган Тадбирлар жадвалига киритилиши керак.</p> <p>37.2 Ўзгаришни амалга ошириш учун, Пудратчи, Лойиҳа раҳбарига тегишли сўровнамасига биноан, Лойиҳа раҳбарини сўралган нархлар билан таъминлаши керак. Лойиҳа раҳбари, унга сўровнома 7 (етти) кун берилгандан ёки Лойиҳа раҳбари томонидан белгиланган узоқроқ муддатдан сўнг ва Ўзгариш ҳақида кўрсатма беришдан олдин, сўралган нархларни баҳолайди.</p> <p>37.3 Агар Пудратчининг сўралган нархни асосланмаган деб топилса, Лойиҳа раҳбари Ўзгариш ҳақида буйруқ бериши ва Шартнома миқдорини ўзгартириши мумкин; бундай ўзгартириш Лойиҳа раҳбари Ўзгаришнинг Шартнома қийматига таъсири башоратига асосланган бўлиши керак.</p> <p>37.4 Лойиҳа раҳбарининг фикри бўйича ишларнинг ўзгариш зудлиги сўралган нархлар топширилишга ва баҳоланишига, ишларни кечиктиришсиз, йўл қўймайдиган бўлса, сўралган</p>

	<p>нархлар топширмаслиги керак ва Ўзгариш Бадал тўлаш ҳоли деб ҳисобланиши керак.</p> <p>37.5 Агар огоҳ олдиндан берилиб ҳаражатлар ўзгармаса, Пудратчи қўшимча тўлов олишга ҳақли эмас.</p> <p>37.6 Ягона нарх шартнома ҳолларда, агар Ўзгаришдан келиб чиқадиган иш Жамлама сметасидаги кўрсатилган моддага мувофиқ бўлса ва агар, Лойиҳа раҳбарининг фикри бўйича, ишнинг ҳажми «Шартноманинг умумий шартларининг» 36.1 моддасида кўрсатилган чегарадан ошиб кетмаса ёки ишнинг бажарилиш муддати иш ҳажми бирлигининг ўзгаришига олиб келмаса, Жамлама сметасида кўрсатилган ставка Ўзгаришнинг қийматини ҳисоблаш учун қўлланилади. Агар иш ҳажми бирлиги ўзгарса ёки Ўзгаришдан келиб чиқадиган иш табиати ёки муддати Жамлама сметаси моддаларига мувофиқ бўлмаса, Пудратчининг сўралган нархлар тегишли иш моддаларнинг янги ставка шаклида бўлишлари шарт.</p>
<p>38 Пул маблағлар оқими прогнозлари</p>	<p>38.1 Агар Ишлар жадвали янгиланса, Пудратчи Лойиҳа раҳбарига янгиланган пул маблағлар оқими башоратини тақдим этади. Пул маблағлар оқими башорати, Шартномага биноан, турли валюталарда кўрсатилади ва валюталар, керак бўлса, Шартномадаги айирбошлаш курсига биноан ўгирилади.</p>
<p>39 Тўлов ҳужжатлари</p>	<p>39.1 Пудратчи Лойиҳа раҳбарига, илгари тасдиқланган жамлама миқдордан ташқари, бажарилган ишлар баҳоланган қиймати тўғрисида ойлик ҳисоботларни топшириши керак.</p> <p>39.2 Лойиҳа раҳбари Пудратчининг ойлик ҳисоботини текшириб, Пудратчига тўланиши лозим бўлган миқдорни тасдиқлаши керак.</p> <p>39.3 Бажарилган ишлар қиймати Лойиҳа раҳбари томонидан аниқланади.</p> <p>39.4 Бажарилган ишлар қийматига қўйидагилар киради:</p> <p>(а) Қатъий нархлар шартномаси ишлатилганда, Жамлама сметасида кўрсатилган бажарилган иш ҳажми қиймати;</p> <p>(б) Қатъий қийматли шартнома ишлатилганда, бажарилган ишлар ҳажми ўз ичига Ишлар жадвалига биноан битказилган ишлар қийматини қамраб олиши керак.</p> <p>39.5 Бажарилган ишлар қиймати Ўзгариш ва Компенсация қилиш ҳолларини инобатга олиши керак.</p> <p>39.6 Лойиҳа раҳбари, кейинчалик олинган маълумотлар асосида, олдинги тўлов ҳужжатида тасдиқланган моддани чиқариб ташлаши ёки илгари тасдиқланган ҳар қандай тўлов ҳужжатида кўрсатилган модданинг улушини қисқартириши мумкин.</p>
<p>40 Тўловлар</p>	<p>40.1 Тўловлар аванс ва ушлаб қолинанидиган маблағлар бўйича бўлган чегирмаларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Иш берувчи Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланган миқдорларни Пудратчига ҳар бир тўлов ҳужжати санасидан</p>

	<p>бошлаб 28 (йигирма саккиз) кун ичида тўлаб беради. Иш берувчи тўлов билан кечикса, Пудратчига кейинги тўлов вақтида кечиккан тўлов бўйича фоиз тўлайди. Фоиз тўлови амалга ошириладиган санасидан бошлаб кечиктирилган тўловнинг санасигача ўтган муддатга нисбатан, тижорат кредитлар учун белгиланган амалдаги ставка асосида ва тўлов валютасининг ҳар бир тури учун ҳисобланиб чиқилади.</p> <p>40.2 Тасдиқланган миқдор кейинги тўлов ҳужжатида ёки Бетараф ҳакам ёки Арбитраж ҳаками қарорига биноан ошса, ушбу модданинг матнига биноан кечиктирилган тўловга нисбатан Пудратчига фоиз тўланади. Фоиз низо йўқлигида кўпайтирилган миқдор тасдиқланиши бўлган санасидан бошлаб ҳисобланади.</p> <p>40.3 Агар бошқаси тасдиқланмаса, барча тўлов ва чегирмалар Шартнома миқдори ташкил этувчи валюталар нисбатида тўланиши ёки ундирилиши керак.</p> <p>40.4. Ставка ёки нархи белгиланмаган Иш моддалари Иш берувчи томондан тўланмаслиги керак ва Шартноманинг бошқа ставка ва нархлари билан қопланган деб ҳисобланиши керак.</p>
<p>41 Компенсация қилиш ҳоллари</p>	<p>41.1 Компенсация қилиш ҳоллари деб қўйидагилар ҳисобланиши керак:</p> <p>(а) Иш берувчи Қурилиш майдоннинг қисмига Қурилиш майдонга эгалик қилиш санасигача ШУШ 20.1 моддасига биноан йул очмаса.</p> <p>(б) Иш берувчи томонидан Бошқа иш берувчиларнинг жадвалига Пудратчининг шартномавий ишларига таъсир қилиши мумкин ўзгаришлар киритилса.</p> <p>(с) Лойиҳа раҳбари ишлар кечиктирилишга қарор қилади ёки Қурилиш объектларининг вақтида битказилиши учун зарур бўлган Чизма, Тафсилот ёки кўрсатмаларни чиқармаса.</p> <p>(д) Лойиҳа раҳбари Пудратчига иш устидан камчилик топиш ёки қўшимча синовлар утказиш тўғрисида кўрсатнома берса ва оқибатда камчиликлар йўқлиги аниқланса.</p> <p>(е) Лойиҳа раҳбари субпудрат битимни тасдиқлашга асосиз қарши чиқса.</p> <p>(ф) Қурилиш майдонининг табiiй/дала шароитлари Қабул қилиш тўғрисидаги хат берилгандан олдин Тендер қатнашувчиларига берилган (жу жумладан Қурилиш майдонини текшириш бўйича ҳисоботлари), жамоатчиликка маълум бўлган ва Қурилиш майдонини визуал текширувидан мавжуд маълумотларга қараганда тахмин қилинганидан ва кутилганидан номувофиқроқ бўлса.</p> <p>(г) Лойиҳа раҳбари Иш берувчи томонидан вужудга келтирилган кутилмас шароит бўйича ёки хавфсизлик ёки бошқа сабаблар туфайли керак бўлган қўшимча иш бўйича чора-тадбирлар ҳақида кўрсатма берса.</p> <p>(ҳ) Бошқа пудратчилар, давлат органлари, коммунал</p>

	<p>хизматлар ёки Иш берувчи Шартномада белгиланган муддат ва бошқа чекловлар доирасида иш юритмаса ва шу туфайли Пудратчининг иши кечикса ёки қўшимча ҳаражатларга олиб келса.</p> <p>(i) Аванс тўлови кечиктирилса.</p> <p>(j) Иш берувчининг ҳар қандай хавф-харакати Пудратчига таъсир қилди.</p> <p>(k) Лойиҳа раҳбари Бажарилган ишлар актини тайёрлаб беришини асоссиз кечиктирса.</p> <p>41.2 Агар Компенсация қилиш ҳоллари қўшимча ҳаражатга олиб келадиган ёки ишни Белгиланган тугатиш санасидан олдин бажаришига ҳалақит берадиган бўлса, Шартнома миқдори оширилиши керак ва/ёки Белгиланган яқунлаш санаси узайтирилиши керак. Лойиҳа раҳбари Шартнома миқдорнинг ошиши ва кўпайиш ҳажми бўйича ва Белгиланган яқунлаш санаси узайтирилиши ва узайтириш муддати бўйича қарор чиқариши шарт.</p> <p>41.3 Ҳар қайси Компенсация қилиш ҳолининг Пудратчининг кутилган ҳаражатларига таъсири ҳақида маълумот етказиб берилгач заҳоти, бу маълумот Лойиҳа раҳбари томонидан баҳоланиб чиқилади ва Шартнома миқдори тегишли равишда тўғирланиб чиқилади. Агар Пудратчининг кутилган ҳаражати асоссиз деб ҳисобланса, Лойиҳа раҳбари ўз башоратига асосланиб Шартнома миқдорини тўғирлаши керак. Лойиҳа раҳбари Пудратчи пайдо бўлган ҳолларга мўътабар равишда ва зудлик билан жавоб қайтаришлигини тахмин қилади.</p> <p>41.4 Агар Пудратчи олдиндан Лойиҳа раҳбарига хабар бермаса ёки у билан ҳамкорлик қилмаса ва натижада Иш берувчининг манфаатларига жиддий зарар етказилса, Пудратчи компенсация олишга ҳақли эмас.</p>
42 Солиқлар	<p>42.1 Агар Шартнома бўйича тендер таклифлар топшириш 28 кун олдин бўлган сана ва охириги Ишларни тугатиш сертификати санаси орасида солиқ, бож ва йиғимлар ўзгарса, Лойиҳа раҳбари Шартнома миқдорни тўғирлаши керак. Агар ўзгаришлар Шартнома миқдорида акс эттирилмаган бўлса ёки ШУШ 44.1 моддасидан келиб чиқмаса, тўғирлашлар Пудратчи томонидан тўланадиган солиқдаги ўзгаришлардан иборат бўлиши керак.</p>
43 Валюталар	<p>43.1 Тўловлар ШМШ моддаларида аниқланган Иш берувчининг давлати валютаси бўлмаган валютада амалга оширилса, тўловлари ҳисоблаш учун ишлатиладиган айирбошлаш курси Пудратчининг тендер таклифида кўрсатилган айирбошлаш курси бўлиши керак.</p>
44 Нархни тўғирлаш	<p>44.1 Нархлар, ишлаб чиқариш факторлар баҳоси ўзгариб турган ҳолда, бундай тўғирлаш ШМШ моддаларида кўзда тутилган бўлса амалга оширилиши керак. Бундай шарт мавжудлигида, ҳар бир сертификатда кўрсатилган пул миқдори, Аванс тўлови учун ажраталишлар олингандан олдин, тегишли нарх тўғирлаш</p>

	<p>факторни ҳар бир валюта бўйича тўлов ҳажмига қўлланган ҳолда тўғирланади. Шартноманинг ҳар бир валютаси учун қуйида кўрсатилган формула тури ишлатилиши мумкин:</p> $P_c = A_c + B_c \text{ Imc/Ioc}$ <p>Яъни:</p> <p>P_c = берилган «с» валютасида тўланадиган Шартнома миқдорининг қисмига нисбатан ишлатиладиган тўғирлаш фактори;</p> <p>A_c ва B_c – аниқ «с» валютасида тўланадиган Шартнома миқдорининг, тегишли равишда, тўғирланадиган ва тўғирланмайдиган нисбатларни ифодаладиган ва ШМШ моддаларида кўрсатилган коэффициентлари;</p> <p>I_{mc} – счёт-фактурада кўрсатиладиган ва ойнанинг охирида устун турган жамлама индекси ва I_{oc} эса – тўланадиган ишлаб чиқариш факторлар бўйича тендер таклифлар очилишдан 28 кун олдин устун турган ушбу жамлама индекси; иккови ҳам берилган «с» валютасида ифодаланади.</p> <p>44.2 Агар индекс қиймати ҳисоблашлар учун ишлатилгандан сўнг ўзгарса, ҳисоблашлар тўғирланиши ва кейинги тўлов сертификатига тўғирланишлар киритилиши керак. Индекс қиймати нарх ўзгариб туришлардан келиб чиққан ҳаражатлардаги барча ўзгаришларни ҳисобга олиши керак.</p>
<p>45 Ушлаб қолиш</p>	<p>45.1 Ишлар бутунлай тугамагунча, Иш берувчи Пудратчи учун мўлжалланган ҳар бир тўловдан ШМШ моддаларида кўзда тутилган нисбатни ушлаб қолиши керак.</p> <p>45.2 Ишлар бўйича Бажарилган ишлар акти Лойиҳа раҳбари томонидан берилгандан сўнг, «Шартноманинг умумий шартларининг» 52.1 моддасига биноан, ушлаб қолинган миқдорининг ярими Пудратчига қайтарилади; қолган ярими бўлса Кафолат муддати ўтгач ва Лойиҳа раҳбари тасдиғи бўйича Лойиҳа раҳбари томонидан Пудратчига билдирилган барча Камчиликлар ушбу муддатниг якунигача тузатилгач тўланади. Пудратчи ушлаб қолинадиган пулнинг ўрнига «талаб қилиб олингунга қадар» банк кафолатини ишлатиши мумкин.</p>
<p>46 Бажармаслик учун жарима</p>	<p>46.1 Пудратчи Иш берувчига, ҳақиқий Тугатиш сана ва Белгиланган тугатиш санасидан ўртасида фарқ қиладиган ҳар бир куни учун, ШМШ моддаларида белгиланган кунлик ставкасига мувофиқ бажармаслик учун жарима тўлайди. Жариманинг умумий миқдори ШМШ моддаларида белгиланган миқдордан ошиб кетмаслиги керак. Иш берувчи бажармаслик учун жаримани Пудратчига мўлжалланган тўловлардан ажратиб олиши мумкин. Бажармаслик учун жариманинг тўланиши Пудратчининг мажбуриятларга таъсир кўрсатмаслиги керак.</p> <p>46.2 Агар Белгиланган тугатиш санаси бажармаслик учун жарима тўлангандан сўнг узайтирилса, Лойиҳа раҳбари Пудратчига ортиқча тўланган жариманинг миқдорини кейинги тўлов сертификатни тўғирлаган ҳолда тузатиши керак.</p>

	Пудратчига, «Шартноманинг умумий шартларининг» 40.1 моддасида белгиланган ставкаларга мувофиқ, тўлов кундан қайтириш кунгача ҳисобланган ортиқча тўланган миқдорга нисбатан фоиз тўланади.
47 Мукофот	47.1 Ҳақиқий Тугатиш ва Белгиланган тугатиш саналар ўртасида фарқ қиладиган ШМШ моддаларида кўрсатилган ҳар бир муддатдан олдин кун учун (Пудратчига тезлаштириш учун тўланидагин кунлардан ташқари) Пудратчига календарь кун ставкасига ҳисобланган мукофот тўланади. Ишлар тугаш санаси келмаганига қарамай, уларнинг тугатилиши Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланиши керак,
48 Аванс тўлови	48.1 Иш берувчи, Пудратчи томонидан Иш берувчига маъқул бўлган шакл ва банкда ҳамда аванс тўловига тенг бўлган миқдор ва валюталарда шартсиз банк гарантияси берилгандан сўнг, Пудратчига ШМШ моддаларида кўрсатилган миқдор ва кунда аванс пулни тўлайди. Аванс пул қайтарилмагунча гарантия ўз кучини сақлайди, аммо гарантия миқдори Пудратчи томонидан тўланган миқдорларга прогрессив равишда камайтиради. Аванс тўловлари бўйича фоиз ундирилмайди. 48.2 Пудратчи аванс тўловларни фақат Жихоз, Ишлаб чиқариш қувват ва Материаллар ҳамда Шартнома бажариши учун аниқ зарур бўлган мобилизацион харажатларга ишлатиши мумкин. Пудратчи аванс пул бундай мақсадда ишлатилганлигини Лойиҳа раҳбарига счёт-фактура ёки бошқа ҳужжат нусхаларни тақдим этган ҳолда исботлайди. 48.3 Аванс тўлови Пудратчига тўланадиган тўловлардан мутаносиб миқдорларни ажратган ҳолда, пул шаклида ифодаланган бажарилган Ишлар қисми асосида қайтирилади. Бажарилган иш, Ўзгариш, нарх тўғирлаш, Бадал тўлаш ҳол, Мукофот ёки Бажармаслик учун жарималарни баҳолашда аванс тўлови ёки унинг қайтарилиши ҳисобга олинмайди.
49 Гарантиялар	49.1 Шартномани бажариш кафолати Иш берувчига Қабул қилиш тўғрисида хатда белгиланган санадан кечиктирилмасдан етказиб берилиши керак, ҳамда, ШМШ моддаларида кўрсатилган миқдорга тенг бўлиб, Иш берувчига маъқул бўлган банк томонидан берилади ва Шартнома миқдори тўланадиган валюта тури ва нисбатларда ифодаланади. Шартномани бажариш кафолати, банк кафолати ҳолида, Бажарилган ишлар акти таёрланган кундан сўнг 28 кун ўтгунча амалиётда бўлади.
50 Кун меъёри	50.1 Агар қўлланадиган бўлса, Пудратчининг тендер таклифидаги Кун меъёри ставкалари кичик қўшимча ишлар ҳажми учун фақат Лойиҳа раҳбарининг қўшимча ишлар бундай тарзда тўланиши ҳақида олдиндан берилган ёзма кўрсатма мавжудлигида ишлатилади. 50.2 Кун меъёри сифатида тўланадиган барча ишлар Пудратчи томонидан Лойиҳа раҳбари тасдиқланган шаклларда ёзилиб чиқади. Хар бир тўлдирилган шакл Лойиҳа раҳбари

	<p>томонидан иш тугагач икки кун ичида текширилиб имзоланади.</p> <p>50.3 Пудратчининг Кун меъёри фақат имзоланган Кун меъёри шаклларни олгандан сўнг тўланади.</p>
51 Тузатиш харажатлари	<p>51.1 Ишлар бошланиш санаси ва Камчиликларни тузатиш муддати орасида Ишлар ёки Ишларни бажариш учун зарур бўлган Материалларга кўрсатилган зарар ёки уларнинг йўқолиши Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан қопланади, агарки зарар ёки йўқолишнинг сабаби Пудратчининг хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бўлса.</p>
Е. Шартномани тугатиш	
52 Тугатиш	<p>52.1 Пудратчи Лойиҳа раҳбарига Бажарилган ишлар акти бериш тўғрисида мурожат қилиши керак, Лойиҳа раҳбари бўлса, ишлар бажарилганлиги ҳақида ҳулосага келганда, Актни бериши шарт.</p>
53 Қабул қилиш	<p>53.1 Лойиҳа раҳбари Бажарилган ишлар актни чиқаргандан сўнг етти кун ўтгач Иш берувчи Қурилиш майдон ва Ишларни қабул қилиб олади.</p>
54 Якуний ҳисоб-китоб	<p>54.1 Пудратчи Лойиҳа раҳбарига Кафолат муддатнинг охиригача Пудратчига унинг фикри бўйича Шартнома асосида тўланадиган умумий миқдорнинг батафсил ҳисоб-китобни етказиб беради. Лойиҳа раҳбари, Пудратчининг тўғри ва тўлиқ равишда тузилган ҳисоб-китобини олгач, 56 кун ичида Пудратчига тўланиши шарт бўлган тўловни тасдиқлайди ва Кафолат тузатиш сертификатни беради. Агар бундай бўлмаса, Лойиҳа раҳбари 56 кун ичида зарур бўлган тузатиш ва қўшимчалар ҳажмини белгиладиган жадвални чиқартади. Қайта топширилиб, Якуний ҳисоб-китоб қониқарли бўлмаса, Лойиҳа раҳбари Пудратчи тўлаши шарт бўлган ҳажми ҳақида қарор чиқаради ва тўлов сертификатни таёрлаб беради.</p>
55 Фойдаланиш ва техникавий хизмат кўрсатиш бўйича қўлланмалар	<p>55.1 Агар «ижро этувчи» Чизмалар ва/ёки техникавий хизмат кўрсатиш бўйича қўлланмалари керак бўлса, Пудратчи уларни ШМШ моддаларида кўрсатилган саналаргача етказиб бериши керак.</p> <p>55.2 Агар Пудратчи Чизмалар ва/ёки техникавий хизмат кўрсатиш бўйича қўлланмаларни ШМШ 55.1 моддасида кўрсатилган саналаргача етказиб бермаса ёки улар Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланмаган бўлса, Лойиҳа раҳбари ШМШ моддаларида белгиланган миқдорни Пудратчига тўланиши шарт бўлган маблағлардан ушлаб қолади.</p>
56 Бекор қилиш	<p>56.1 Иш берувчи ёки Пудратчи, агар бошқа томон Шартномани жиддий равишда бузса, Шартномани бекор қилиши мумкин.</p> <p>56.2 Шартноманинг жиддий бузилишлари қўйидагалардан, улар билан чекланмаган ҳолда, иборат:</p> <p>(а) Пудратчи амалий Дастурда ишнинг тўхтатилиши йўқлигига қарамай ишни 28 кунга тўхтатди ва бундай тўхташ Лойиҳа</p>

	<p>раҳбари томонидан тасдиқланмаган эди;</p> <p>(b) Лойиҳа раҳбари Пудратчига Ишлар бажарилишни кечиктириш ҳақида кўрсатма берди ва бундай кўрсатма 28 ичида бекор қилинмади;</p> <p>(c) Қайта тикланиш ёки қўшилиш ҳоллари бўлмаган, Иш берувчи ёки Пудратчи банкрот ёки тугатилиши керак бўлди;</p> <p>(d) Лойиҳа раҳбари сертификат имзолгандан 84 кун ўтгач Иш берувчи Пудратчига Лойиҳа раҳбари томонидан тасдиқланган тўловни тўламади;</p> <p>(e) Лойиҳа раҳбари аниқ Камчиликни тузатиш Шартномани жиддий бузиш деб ҳисобланганлиги ва Пудратчи уни Лойиҳа раҳбари белгилаган маъқул муддат ичида тузатаолмаслиги ҳақида Билдиршни чиқарди;</p> <p>(f) Пудратчи шарт бўлган гарантияни таъминлаб бермади;</p> <p>(g) Пудратчи Ишлар тугатишни Бажармаслик учун жариманинг, ШМШ моддаларига мувофиқ, максимал миқдорда ҳисобланадиган кунлар сонига кечиктирди.</p> <p>(h) агар пудратчи, Иш берувчининг фикри бўйича, Шартнома бўйича рақобат қилишда ёки Шартномани бажаришда, «Шартноманинг умумий шартларининг» 57.1 моддасига биноан коррупцион ёки фирибгар амалиётда қатнашган бўлса.</p> <p>56.3 Шартноманинг хар битта томони «Шартноманинг умумий шартларининг» 56.2 моддадан ташқари ҳолларга тегишли бўлган Шартнома бузилишлари ҳақида Лойиҳа раҳбарига хабар берса, Лойиҳа раҳбари бундай бузилишнинг жиддий ёки жиддий эмаслиги тўғрисида ҳулосага келиши керак.</p> <p>56.4 Юқорида айтилганларга қарамай, Иш берувчи ўз қулайлиги учун Шартномани бекор қилиши мумкин.</p> <p>56.5 Шартнома бекор қилинса, Пудратчи ишни кечикмасдан тўхтатади, Қурилиш майдоннинг хавфсизлигини таъминлайди ва Қурилиш майдондан маъқул имконият туғилиши биланоқ чиқиб кетади.</p>
<p>57 Фирибгарлик ва коррупция</p>	<p>57.1 ОТБ талабларига биноан Қарз олувчилар (шу жумладан ОТБ займлар бўйича бенефициарлар) ҳамда ОТБ шартномалар доирасида ишлайдиган Пудратчи, Субпудратчи, ишлаб чиқарувчи ва консультантлар бундай шартномаларни сотиб олиш ёки бажариш жараёнида одоб-ахлоқнинг энг юқори андозаларга риоя этишлари шарт. Бундай сиёсатни амалга оширганда, ОТБ:</p> <p>(a) ушбу низомнинг мақсади учун, атамаларнинг қўйидаги таърифларни белгилайди:</p> <p>(i) «коррупцион амалиёти» - бошқа томоннинг хатти-ҳаракатларга номуносиб таъсир кўрсатиш учун нимадир қимматбаҳо бўлганни, бевосита ёки билвосита, таклиф қилиш, бериш, олиш ва қўрқитиб ундириш;</p>

	<p>(ii) «фирибгарлик амалиёт» - молявий ёки бошқа фойда олиш ёки мажбуриятдан қутулиб қолиш мақсадида томонни ихтиёр ёки беихтиёр равишда адаштиришга ёки адаштиришга уриниб кўришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, шу жумладан маълумотларни бузиб кўрсатиш;</p> <p>(iii) «зўрлаш амалиёти» - ҳар қандай томоннинг хатти-ҳаракатларга номуносиб таъсир кўрсатиш учун томонга ёки томоннинг мол-мулкига, бевосита ёки билвосита, гоҳ зарар ёки зиённи етказиш, гоҳ зарар ёки зиён билан кўрқитиш;</p> <p>(iv) «тил бириктириш» - номуносиб мақсадга эришиш, шу жумладан бошқа томоннинг хатти-ҳаракатларга номуносиб таъсир кўрсатиш, учун икки ва ундан кўпроқ томонлар ўртасида келишув;</p> <p>(b) Агар ҳар қандай пайтда Қарз олувчининг вакиллари ёки ОТБ молявий маблағларнинг бенефициари ушбу Шартномани сотиб олишда ёки бажариш жараёнида коррупция, фирибгарлик, келишув ёки зўрлаш амалиётда қатнашган бўлса ва Қарз олувчи вазиятни тузатиш учун ОТБ учун қониқарли бўлган зарур ва муносиб чора-тадбирларни кўрмаган бўлса, Шартномага ажратилган молявий маблағларни бекор қилади;</p> <p>(c) Агар ҳар қандай пайтда фирма ёки шахс, тўғридан-тўғри ёки агент орқали, коррупция, фирибгарлик, келишув ёки зўрлаш ёки бошқа тақиқланган амалиётда қатнашган бўлса, ОТБнинг «Коррупцияга қарши сиёсати» ва «Ҳалол ғоялар ва қўлланмаларига» мувофиқ (иккови даврий асосда янгиладиган), бундай фирма ёки шахсга қарши санкция солинади, шу жумладан, чексиз ёки белгиланган муддатга, ОТБ томонидан моляялаштириладиган ёки бошқариладиган чора-тадбирларда қатнашиш ёки ОТБ томонидан моляялаштириладиган ёки бошқариладиган шартномалардан молявий ёки бошқа фойда кўриш.</p>
<p>58 Шартном бекор қилинишдан кейин тўловлар</p>	<p>58.1 Агар Шартнома Пудратчи томонидан кўрсатилган жиддий бузилиш орқали бекор қилинган бўлса, Лойиҳа раҳбари бажарилган ишлар миқдори ва буюртма қилинган Материалларга, сертификат чиқариш кунига олинган аванс тўловлардан ва, ШМШ моддаларига мувофиқ, тугатилмаган ишлар қийматига тегишли бўлган фоизлардан ташқари, сертификатни таёрлайди. Қўшимча Бажармаслик учун жарима солинмайди. Агар Иш берувчига лойиқ бўлган умумий миқдор Пудратчига лойиқ бўлган ҳар қандай тўловдан ошиқ бўлса, тегишли фарқ Иш берувчига тўланадиган қарз деб ҳисобланади.</p> <p>58.2 Агар Шартнома Иш берувчининг қулайлиги учун ёки Шартнома Иш берувчи томонидан кўрсатилган жиддий бузилишлар орқали бекор қилинган бўлса, Лойиҳа раҳбари, сертификат чиқариш кунига олинган аванс тўловлардан ташқари, бажарилган ишлар миқдорига, буюртма қилинган Материалларга, Жихозларни олиш чиқиш муносиб нархига, фақат Ишлар учун ишга қабул қилинган ходимларни олиш чиқишга ва Пудратчининг Ишларнинг хавфсизлигини</p>

	таъминлашга сертификат таёрлайди.
59 Мол-мулк	59.1 Агар Шартнома Пудратчининг айби туфайли бекор қилинса, Қурилиш майдондаги барча Материаллар, Ишлаб чиқариш қувватлари, Жихозлар, Вақтинчалик иншоотлар ва Ишлар Пудратчининг мол-мулки деб ҳисобланади.
60 Шартнома бажаришдан бўшатиш	60.1 Агар Шартнома уруш бошланиш ёки Иш берувчи ёки Пудратчи назоратида бўлмаган ҳар қайси бошқа сабаб туфайли бузилса, Лойиҳа раҳбари бундай ҳолни ёзма равишда тасдиқлаши шарт. Пудратчи бундай тасдиқни олгач, Қурилиш майдонниг хавфсизлигини таъминлаб, ишларни зудлик билан тўхтатиши лозим ва тасдиқ олишдан олдин барча бажарилган ишлар ва бундан кейин мажбуриятларга биноан барча бажарилган ишлар учун тўловни олиши керак.
61 ОТБ займ ёки кредит беришни тўхтатиши	61.1 Агарда ОТБ Иш берувчига Заём ёки Кредит беришни тўхтатса ва улар ҳисобидан Пудратчига тўловлар амалга оширилса: (а) Иш берувчи ОТБдан тўхтатилиш билдиришни олгандан сўнг 7 кун ичида бундай вазият ҳақида, тегишли нусхани Лойиҳа раҳбарига жўнатиб, Пудратчига хабар бериши лозим. (б) Агар Пудратчи «Шартноманинг умумий шартларининг» 40.1 моддасида кўрсатилган тўловлар бўйича унга лойиқ бўлган пулни 28 ичида олмаган бўлса, Пудратчи дарҳол 14-кунлик бекор қилиш билдиришни чиқариши мумкин.
62 Конуний ҳуқуқлик	62.1 Пудратчи ОТБ аъзоси бўлган мамлакатига давлат мансубликка эга бўлиши керак. Агар Пудратчи мамлакатнинг фуқароси булса ёки ушбу мамлакатнинг қонунчилиқ қоидаларига мувофиқ ташкил этилган, рўйхатга олинган ёки ишлаб келган булса, бундай Пудратчи тегишли давлат мансубликка эга бўлган деб ҳисобланади. Бу мезон Шартноманинг барча қисмларига, шу жумладан тегишли хизматларга, таклиф қилинган субпудратчи ёки етказиб берувчиларнинг давлат мансублигини аниқлаш учун ишлатилади. 62.1 Шартномага мувофиқ етказиладиган материал, жихоз ва хизматлар қонуний ҳуқуққа эга бўлган мамлакатлардан келиб чиқиши керак ва Шартномага оид бўлган барча харажатлар фақат бундай материал, жихоз ва хизматлардан иборат бўладилар. Иш берувчи сўровномасига биноан, Пудратчи материал, жихоз ва хизматлар келиб чиқиш жой далилини кўрсатиб бериши лозим. 62.3 «Шартноманинг умумий шартларининг» 62.2 моддаси мақсади учун, «келиб чиқиш» шундай жойни билдирадигани, у ерда материал ва жихозлар қазиб олинади, ўстирилади, ишлаб чиқарилади ёки хизматлар кўрсатилади. Ясаиш, қайта ишлаш ёки жиддий ёки катта миқёсда компонентлар йиғилиши орқали, гоҳ асосий хараактеристика, гоҳ мақсад, гоҳ фойдаси жиҳатдан ўз компонентлардан жиддий равишда фарқланадиган тижоратда тан олинган маҳсулот етиштирилиши материал ва жихозлар

	ишлаб чиқарилиши деб ҳисобланади.
63 Бошқа талаблар	Пудратчилар ШМШда белгиланган талабларни бажаради .